O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 12 декабрь, шанба • № 96 (11.079) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## ЧИНГИЗ ТЎРАҚУЛОВИЧ АЙТМАТОВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга, тарихан таркиб топган ўзбек-қирғиз маданий ва маънавий алоқаларини чуқурлаштиришга, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги анъанавий яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси, адабий фаолият соҳасидаги катта хизматлари учун ва 70 йиллик юбилейи муносабати билан Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеясининг президенти машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Тўрақулович Айтматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 11 декабрь.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*

## ФАРМОЙИШИ

1. Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида, 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Республика комиссияси тузилсин.

2. Республика комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан бирга бир ой муддатда мазкур Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилсин. Дастурни тайёрлашга етакчи олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилинсин ва дастур лойиҳаси кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

3. Тадбирлар дастурида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилсин:

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қурилиши ва маданий қурилишда, жамиятни маънавий ва демократик янгилашда уларнинг ролини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

— оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

— оилада, қулай маънавий-ахлоқий оилавий муҳитни, болаларни тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш;

— иқтисодий ўзгартиришлар ва ислоҳотларда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш;

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ва ҳуқуқий нормалар амалга оширилиши устидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари бошқаруви, жамоат ўзини ўзи бошқарув органлари, корхоналарни бошқариш тузилмаларида, ноҳукумат ташкилотларида, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларда хотин-қизлар ролини ошириш;

— гендер муаммоларини илмий ва ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, шу жумладан ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларда ва жамиятни ривожлантиришда аёлларнинг ролини ошириш.

4. Давлат, нодавлат ва ҳудудий ҳокимият ва бошқарув тузилмалари юқорида айтиб ўтилган дастурни тайёрлашда Республика комиссиясига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 9 декабрь.

## МОЛДОВА РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ П. К. ЛУЧИНСКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински 1998 йил 17-18 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.

## ОРОЛ МУАММОСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

***Тошкентда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ижроия қўмитасининг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган донор мамлакатлар дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Орол денгизининг қуриши нафақат Марказий Осиё республикалари, балки бутун дунё учун йирик экологик ҳалокатдир. Жаҳон жамоатчилиги эътиборини мазкур муаммога қаратиш эса унинг оқибатларини маълум даражада юмшатишга олиб келади. Чунки бу ҳалокатни бартараф қилишда куч-ғайрат ва ҳаракатларни бирлаштириш муҳим омил ҳисобланади.

Учрашувда донор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ижроия қўмитаси амалга оширган ишлар билан таништирилди. Орол денгизи ҳавзасида вужудга келган экологик аҳвол ва мавжуд вазиятдан чиқиш йўллари агентлиги фаолиятини яхшилашга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар минтақадаги экологик вазиятни юмшатиш учун мазкур агентлик дастурларининг бажарилиши муҳим омил эканини таъкидлади.

*(ЎзА).*

## ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

***Давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устивор йўналишларидан бири оила мустақиллигини таъминлаш, оила аъзолари саломатлигини яхшилаш, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришдан иборатдир.***

Мамлакатимизда бу борада катта миқёсдаги ишлар амалга ошириляпти. Аммо туғиш ёшидаги аёллар ўртасида ногиронликнинг, асаб касалликларининг кўпаяётганлиги тиббиёт ходимлари олдига долзарб вазифалар қўймоқда. Зеро, соғлом фарзанд дунёга келиши учун, аввало она саломатлигини мустаҳкамлаш лозим.

Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институтида ўтказилган «Фарзанд кўриш ёшидаги аёлларда учрайдиган асаб касалликлари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани ҳам айнан шу муаммога бағишланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика неврология илмий маркази ва Ўзбекистон невропотологлари илмий-тиббий жамияти томонидан ташкил этилган бу анжуманда аёлларда асаб касалликларига ташҳис қўйиш ва даволаш, уларга амбулатория шароитида неврологик хизмат кўрсатиш даражасини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

*(ЎзА).*

## *1999 йил — Аёллар йили*



## ЭЪЗОЗ

***Шу йилнинг 5 декабрида пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 6 йиллигига бағишланган тантанали анжуманда Президентимиз келаётган янги 1999 йилни мамлакатимизда «Аёллар йили» бўлишини таклиф этдилар. Бу таклифни нафақат анжуман иштирокчилари, балки бутун Ўзбекистон халқи фахр ва ифтихор билан қабул қилди. Аслида республикамиз Президенти ва ҳукумати мустақилликнинг илк йилларидаёқ хотин-қизларимизни эъзозлаб, асраб-авайлаб келмоқда. Буни биргина чирчиқлик муаллима Ҳалима Мўминова ҳаёти тимсолида яққол кўриш мумкин...***

Шу йил ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасидаги бу тотли онларни ҳали муаллима кўп эслаб юради. Мукофотланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитганда уни ҳаяжон босди. Чеҳрасига қизиллик югуриб, ёноқлари гўё ловулларди. Кейин ўзини тутиб олгач, кўзларига севинч ёшлари қалқиди. Ўттиз йилдан буён хизмати синган мактаби раҳбарлари, ҳамкасблари уни самимий табриклашар экан.

— Раҳмат, азизларим, меҳрибонларим, чин дилдан раҳмат, — дея миннатдорчилик билдирарди.

Ўттиз йил. Икки оғизгина бу сўзни айтишдан осони йўқ. Аммо унинг замиридаги ўқитувчи меҳнатини таърифлаш ёки тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Китоблар устида бедор ўтган неча-неча тунлар, беҳисоб дафтарлар варақларига тўкилган кўз нурлари, ҳар бир болакайнинг жажжигина қалбига йўл топиш учун изланишлар, унга дунёни танитиш борасидаги интилишлар...

Ҳа, камтарин, заҳматкаш устоз Ҳалима Мўминова бугун Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси!

— Табриклаймиз, устоз.

Бир синф боланинг жарангли овози бу. Нақадар ёқимли бу лутфни тинглаш.

— Баракалла, Ҳалимахон. Мукофот муборак!

Ҳамиша бирдек оддий, камтар, очиқ қалб муаллиманинг хизматидан мамнун — ота-оналарнинг дил изҳорлари бу.

Ҳа, ҳалоллик, фидойилик, инсонни шарафлаши тайин. Эл-юрт олдида юзини ёруғ қилиб, қалбига қуёшни жо этиши ҳам тайин.

Муаллима мулойимгина дейди:

— Раҳмат, қадрдонлар. Истиқлол берди менга бу унвонни. Раҳмат. Конституциямизда яратилган ҳуқуқлардан кўплар қатори мен ҳам баҳрамандман. Юртимиздан, ҳукуматимиздан миннатдорман. Хизматим мустақиллик туфайли эъзоз топганидан бахтиёрман...

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

**СУРАТДА: Чирчиқ шаҳридаги 21-мактаб бошланғич синф муаллимаси — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ҳалима Мўминова ўқувчилари билан.**

***Владимир ГРАНКИН олган сурат.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ЙИЛГА ТАТИГУЛИК ЎН БИР ОЙ

***БУ ЙИЛ вилоятимизда мингта кичик ва хусусий корхоналарни барпо этиш ҳамда рўйҳатга олиш назарда тутилган эди.***

Тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, фаолият кўрсатишлари учун қулай шароитларнинг яратиб берилиши, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларининг қисқартирилиши туфайли бу режа белгиланганидан бир ой илгари ортиғи билан адо этилди.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида 1060та шундай корхоналар рўйҳатга олинди. Кўпчилик шаҳарлар ва туманлар топшириқни бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

### МИННАТДОР ҚАЛБЛАР

***РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган қибрайликлардан ҳам ўн бешга яқин киши турли орден ва медаллар билан тақдирланган эдилар.***

Кеча туман ҳокимлигида улар билан учрашув бўлиб ўтди. Ҳоким Мирзамашраб Куччиев жамоатчилик номидан мукофотланганларни яна бир бор қизғин табриклади. Уларнинг эл-юрт хизмати, соғлом авлодни тарбиялаш соҳасида олиб бораётган хайрли ишларида муваффақиятлар, соғлиқ-саломатлик тилади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан 25-мактаб директори Наима Турсунхўжаева камтарин меҳнатларига берилган юксак баҳо учун ҳукуматимизга, Юртбошимизга миннатдорчилик изҳор этди. Биз бундан буён ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз деди у.

***Носир ИСАЕВ.***

### 19 ЎРНИГА 24

***ВИЛОЯТИМИЗДА иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш давомида давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ишлар кенгайиб бормоқда.***

Натижада, йил бошидан бери йигирма тўртта иншоот мулк шаклини ўзгартирди. Топшириққа мувофиқ эса жорий йилда 19та шундай объектни хусусийлаштириш лозим эди.

Бу жараён пул маблағлари тушумининг назарда тутилганидан анча кўп бўлишига олиб келди. Режага мувофиқ у сал кам 18 миллион сўмни ташкил этиши керак эди. Амалда эса тушган пул миқдори 86 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди.

***Собир МУҲАМЕДОВ.***

### ОҚ ХАЛАТ МУБОРАК!

***ЯҚИНДА Тошкент туманидаги 36-ўрта мактаб қошида Раъно Эргашева раҳбарлигида «Кичик ҳамширалар тайёрлаш» курси очилган эди.***

Хотин-қизларнинг касб эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган ушбу тўгаракда олти ойгина таҳсил олиш мумкин. Куни кеча 15 нафар ана шундай ёшларимиз имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, оқ халат кийиш бахтига муяссар бўлишди. Устозлар Дилноза Беккулова, Наргиза Ғаниева, Ҳуснора Ҳайитматоваларнинг билим ва малакаларидан хурсанд бўлишди. Уларга махсус имтиёзли гувоҳномалар топширилди.

***Ҳикматулла МАҲКАМОВ.***

## ҚАЙСИ ТУМАНДА ГАЗЕТХОН КЎП?

*Обуна — 99*

ГАЗЕТАНИ ҳаёт кўзгуси, давр солномаси дейишади. Дарҳақиқат, у инсоннинг маънавиятини юксалтирувчи, онгини ўстирувчи, турли-туман янгилик ва воқеалардан огоҳ этувчи хазина ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ёки бу одамнинг савияси, билим даражаси газетхонлигига кўп даражада боғлиқ бўлади.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, Тошкент вилоятида газеталарга обуна бўлиш маълумотлари бизга кўп нарсани ойдинлаштириб бериши мумкин. Маълумки, «Тошкент ҳақиқати» газетаси вилоятнинг кўп қиррали ҳаётини акс эттирувчи асосий нашр ҳисобланади. Айни кунларда шаҳар ва туманларда бошқа нашрлар қатори унга обуна бўлиш давом этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Паркент тумани аҳолиси энг газетхон одамлар экан. Ҳозиргача бу ерда 800дан зиёд киши «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлибди. Қибрайликларнинг ҳам «ўз газеталарига» меҳрлари баланд. Бу ерда ҳам, 800 та газетага обуна расмийлаштирилган. Бўстонлиқ, Оққўрғон, Тошкент туманлари, Оҳангарон шаҳрида ҳам бу йил «Тошкент ҳақиқати» кўпроқ тарқаладиган кўринади.

Аммо, айрим туманларда маълумот аксинча. Масалан, Бекобод вилоятдаги йирик туман. Шунга қарамай бу ерда ҳозиргача «Тошкент ҳақиқати» газетасига атиги 92 дона обуна бўлишибди. Қуйичирчиқдаги аҳвол ҳам яхши эмас. Буни 10 декабргача атиги 72 дона газетага обуна бўлинганлиги кўрсатиб турибди. Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Пскент, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Чиноз туманларида нафақат «Тошкент ҳақиқати»га, балки бошқа нашрларга ёзилишда ҳам ўта сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Тўғри, газетага обуна бўлиш ҳар кимнинг шахсий иши. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Ҳадемай 1999 йил учун обуна мавсуми якунланади. Янги йилнинг биринчи кунида газета кириб бормаган хонадон ёки ташкилот соҳиблари, раҳбарлари бизнингча жуда кўп нарса йўқотадилар. Буни шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, қолаверса, ҳамюртларимиз яхши тушунишлари лозим.

***Каримжон РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
-га обуна давом этмоқда!
ВАҚТ КУТМАЙДИ!
Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз: Якка обуначилар учун — 205; Ташкилотлар учун — 206

# МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**ЯҚИНДА вилоят ҳокимлигининг мажлислар зали вилоят бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, маъмурий идоралар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида Улуғ байрам — Конституция кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Уммат Мирзақулов бошқарди.**

Йиғилишда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Эргаш Холматов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ва амалий самаралари» ҳақида маъруза қилди.

Шу куни мустақиллик байрами ҳамда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафисида давлат ва халқ олдидаги катта хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган ҳиссаси, илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантириш йўлидаги ютуқлари учун Президентимизнинг фармонларига кўра тақдирланган вилоятимизнинг бир гуруҳ вакилларига мукофотлар топширилди.



— Мен бугун ҳаяжондаман, — деди тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Қибрай туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Маъбура Холматова, — камтарона хизматларимни бундай қадрлаганликлари учун ҳукуматимиз раҳбарларига чин дилдан раҳмат айтаман.

— Бугун яна бир бор мустақил мамлакатимиз фуқароси бўлганлигимдан фахрланиб кетдим, — деди Чиноз туманидаги 1-ўрта мактаб директори «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Асқар Тошпўлатов, — республикамиз, хусусан, вилоятимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Бу дастурнинг дастлабки босқичларида мактабимиз жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда. Биз Конституциямизда қайд қилинганидек, ҳар кимнинг илм олиш ҳуқуқини таъминлашга муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз. Зеро, Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболи билимли маънавиятга бой авлод билан яратилади.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа мукофотланганлар ҳам Конституциямиз кафолатлаган ҳуқуқ ва эркинликлардан беҳад мамнун эканликларини изҳор этдилар.

**Суратда: мукофотларни топшириш пайти.**
***Даврон АҲМАД сурати.***

# ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ ИФТИХОРИ

*Келажак авлод XX асрни «Чингиз Айтматов даври» деб тарих дарсликларидан ўрганса ажаб эмас. Дарҳақиқат, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб АДАБИЁТ осмонида ёрқин юлдуз пайдо бўлди. Унинг номи ЧИНГИЗ эди. «Жамила» (1958 й.) адибни дастлаб Европага, сўнг бутун дунёга танитди. Атоқли француз ёзувчиси Луи Арагон: «Жамила — энг гўзал муҳаббат қиссаси!» деб ростакамига ҳайратланди ва бу ажойиб асарни она тилига таржима қилди. Севгипарвар француз ўқувчилари «Жамила»ни олқишлаб қарши олди. «Жамила»дан сўнг «Сомон йўли» (1963 й.), «Алвидо, Гулсари!» (1966 й.) «Оқ кема» (1970 й.), «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» (1977 й.), «Асрга татигулик кун» (1980 й.), «Қиёмат» (1985 й.), «Кассандра тамғаси» (1995 й.) каби мумтоз асарлар яратилди. Ч. Айтматовнинг ҳар бир янги асари жуда катта шов-шувларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўларди, ўқувчи қалбини ларзага келтирарди.*



*Чингиз Айтматов «иккинчи она тили»да ижод қилди, лекин мудом қирғизча ўйлади, қирғиз дардини қоғозга туширди, ўзлигини унутмади. Боз устига, ижодкор ва жамоат арбоби сифатида туркий халқларга нисбатан юксак эҳтиром намуналарини яққол намоён этди.*

*Айниқса, Чингиз Айтматовнинг ўзбек халқига бўлган беқиёс муҳаббати таҳсинга лойиқдир. Бизнинг ор-номусимизни, меросимизни, буюк тарихимизни, миллий анъаналаримизни Шўро даврида ҳам «улуғ оғалар»имиздан ҳимоя қилганларини ҳамма билади. Жумладан: «Европа маданияти, халқлари тарихида Византия қандай муҳим аҳамиятга эга бўлса, Марказий Осиё маданияти тарихида ўзбеклар шу қадар улуғ мавқега эгадир», деб баралла айтиш учун, албатта, отнинг калласидек юрак бўлиши керак эди (80-йилларнинг ўрталарида «Правда» газетасида эълон қилинган «Ҳаётбахш дарахт» мақоласини эсланг). Эҳтимол, шу боис бўлса керак, Чингиз Айтматовнинг ҳамма асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Адибнинг энг охирги китоби ҳам (М. Шохонов билан ҳамкорликда ёзилган) яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилди. Бу китоб «Чўққида қолган овчининг оҳи-зори» деб аталади. Қуйида шу китобдан олинган терма-парчани газетхонлар ҳукмига ҳавола этаётирмиз.*

*Улуғ адибимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.*

**ТАҲРИРИЯТ.**

## ҲОКИМИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

Шарқнинг бир қатор файласуфларининг асарларини ўқиб, қуйидагича умумий хулосага келдим. Давлат бошлиқлари ўз хусусиятларига кўра, уч турга бўлинадилар.

Уларнинг биринчисига барча фазилатлар Худо томонидан берилади. Бундай ҳукмдорлар узоқ вақт давр сурадилар, ўз мамлакатига, ўз халқига фақат фойда келтирадилар.

Иккинчиси — ўз ишларида бошқаларга тақлид қиладилар. Уларнинг кўпчилиги ҳийлакор ва маккор бўладилар. Жамиятни тагтуби билан ўзгартириб юборадиган янгиликларга қодир эмас. Одатда, эскиликни сақлаб, мустаҳкамлаб қолишга ҳаракат қиладилар.

Учинчиси — ўзлари ҳеч нарсани билмайдилар, бошқалардан ҳеч нарсани ўрганмайдилар. Тасодиф туфайли давлат бошқаруви жиловини қўлга оладилар ва тез орада ҳокимиятдан ажрайдилар. Ҳар қандай ишни бақир-чақир билан ҳал этмоқчи бўладилар. Баҳс-мунозарани эса уруш йўли билан ҳал этмоққа уринадилар. Халқни қирғинга дучор этиб, мамлакат бойлигини ҳавога совурадилар.

Агар ҳокимият билан халқ ўртасида ишончсизлик, нафрат пайдо бўлса, уларни муросага келтириши мушкул. Мисол учун Олмонияни олиб кўрайлик. У ўз тарихи мобайнида қанчадан-қанча улуғ мусиқачиларни, ёзувчиларни, олимларни, санъат арбобларини дунёга берди. Бироқ, ҳокимият тепасига битта ефрейтор (Адольф Гитлер назарда тутилмоқда: — таҳририят изоҳи) келдию асрлар давомида тирноқлаб тўпланган барча маънавий бойлигидан бирпасда жудо бўлди-қолди.

Ҳукмдорнинг гуноҳи ҳеч қачон унутилмайди. Бу хотира ўчмас маънавий ибратдир.

Оқил, тажрибали ҳукмдорлар ҳеч қачон ўзларининг қариндошларини, яқинларини вазир лавозимига тайинламас эдилар. Чунки, билардиларки, улар бир кун келиб давлат ишларини оилавий ишлар билан чалкаштириб юборишлари мумкин. Кейин улар билан қаттиқ туриб ҳисоб-китоб қилиш мушкул бўлади. Агар кўнгилчанлик қилинса, бошқа вазирлар ҳам тушовни узиб кетишлари мумкин.

Ҳокимият бор жойда доимо ҳасад олови гуркираб ёнаверади. Ҳокимият — юксак мартабага элтадиган йўл. Баъзан у сароб каби яқин кўринади. Бироқ, ҳокимият ниҳоятда масъулиятли ва айни чоқда хавфлидир. Шунинг учун масъулиятлики, қўлингда иш бор, одамлар бор, уларнинг фаровонлиги, қашшоқлиги, қувонч-ташвишлари сенга боғлиқ. Хавфли томони шундаки, ҳокимият чўққисига кўтарилиб борганинг сари душманларинг ҳам кўпайиб бораверади. Улар раҳбарнинг ҳар бир қадамини, ҳар бир сўзини ўлчаб юрадилар. Шу боис ижтимоий-ахлоқий тажрибаларнинг қаймоғи сифатида қадимдан авлодларга қуйидаги панд-насиҳат қолган: «Қачонки, ҳукмдор ўз атрофига халқдан чиққан муносиб, жасур, оқил кишиларни жалб этса, ҳурмат-эътибор қозонади. Агар улардан қўрқиб, барчасини қувғин қилса, ўз ўзига қудратли душманларни тилаб олган бўлади. Ёнингда мингта аҳмоқни ушлаб ўтиргандан кўра, битта ақли донишни сақлаб турганинг афзал».

Ўз халқи учун кўп савоб ишлар қилган ҳукмдорларнинг номлари ҳам тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган. Лекин, ёвузлик ҳам тарихда қолган.

Масалан, васвос касалига мубтало бўлган Иван Грозний ўн минглаб одамларни қириб, Новгородни бутунлай вайронага айлантирмадими?! Унинг кўзига ҳамма сотқин бўлиб кўринаверарди. Рус халқи тарихида бу ўз шафқатсизлиги, варварлиги билан бошқаларига асло ўхшамайдиган камёб нусха эди.

Кейинги пайтларда: «Сиёсат — ифлос иш», деган ибора пайдо бўлди. Дарҳақиқат, агар кўрнамак, ахлоқсиз, ғараз ниятли кимсалар сиёсат билан шуғуллансалар, мамлакат таназзулга юз тутади. Ҳукмдорнинг обрў-эътибори бир пулга қиммат бўлиб қолади.

Менимча, мамлакатни бошқариш имконияти фақат ҳар хил мансабларда илгари синовдан ўтган, ҳаётнинг иссиқ-совуғини тотиб кўрган, сиёсат қозонида қайнаган, ақл-идрок билан маърифатни, донишмандлик билан кўнгли кенгликни ўзида мужассамлаштирган, замондошларидан бир ўқ баландликда ажралиб турадиган инсонга насиб этиши керак.

Афсуски, инсоният тарихида ўтган ва фақат маънавий бойликка хўжакўрсин учун эмас, чин дилдан суянган, маънавиятни байроқ қилиб олган ҳукмдорлар шу қадар камчиликни ташкил этадики, уларни бармоқ билан санаш мумкин.

Кишиларнинг эртанги кунга ишончи сифатида демократия қарор топиши керак. Ўша ишончни мустаҳкамлайдиган стимул — бу бутун давлат учун ягона бўлган Конституция ҳисобланади. Жамиятнинг энг оддий аъзосидан тортиб, то энг юксак мартабадаги президентигача умумий қонунга итоат этишлари лозим. Агар президент ўзгаришига ёки парламент янгиланишига қараб, янги чиққан аслзодаларнинг манфаатларига монанд равишда Конституция ўзгараверса, биз биринчи навбатда одамларнинг ишончини йўқотамиз.

Агар қонун посбонлари билан жиноятчилар ўртасидаги муносабатлар порахўрлик асосига қурилган бўлса, демократия жар ёқасига бориб қолади. Конфуция: «Ҳукмдор адолатли ва ҳалол бўлса, айбдорни жазолаш осон бўлади. Агар ўзинг кўппак мисоли ифлос бўлсанг, ҳар қандай ит билан илиқиб юрсанг, ўзингда йўқ бўлган ҳалолликни бошқалардан қандай қилиб талаб қиласан?» деган эди.

Бутун бир мамлакатнинг президенти бўлиш ҳар қандай инсон учун фахр ҳисобланади. Ер юзида беш миллиарддан ортиқ одамлар орасида қирол, император, подшо, хон, президент бўлиш камдан-кам инсонга насиб этади. Бироқ, ўша ҳукмдорлар орасида ўз мансабидан кетгандан сўнг халқ томонидан меҳр-муҳаббат билан, яхши сўзлар билан эсга олинадиганлари кўпми? Жуда кўпчилик ҳукмдорларни шуҳратпарастлик, мансабпарастлик, шафқатсизлик, порахўрлик, таъмагирлик, сиёсий саводсизлик, ахлоқсизлик каби ярамас қусурлар хароб қилади. Оқибатда улар қора гуруҳларнинг, ифлос ғояларнинг етовига тушиб қоладилар.

Одатда, ҳар бир раҳбарга тарих баҳо беради. Назаримда, ҳозир ҳокимият тепасида турган шахс тўғрисида мулоҳаза юритаётиб, қайси мезонларни асос қилиб олиш жуда мушкул бўлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан мен илк бор 1990 йилда учрашганман. Ўш фожиалари эсингизда бўлса керак. Икки қардош халқ ўртасида кутилмаганда нифоқ пайдо бўлиши, қон тўкилишига мен бефарқ қараб туролмадим. Сессия пайтидаёқ Горбачёв билан учрашдим-да: «Ўшга боришимга рухсат берсангиз. Мен у ерга боришим керак. Нима бўлаётганини кўриб, қўлимдан келганча одамларга ёрдам бераман», дедим. Горбачёв шу заҳоти КГБ раиси Крючковни, Мудофаа вазири Язовни чақириб: «Дарҳол махсус самолёт ҳозирлансин!» деб буйруқ берди. Ўша куниёқ Чкалов номидаги аэродромдан бир гуруҳ ўртоқлар билан ҳарбий самолётда учиб кетдим. Тошкентга қўнишим биланоқ мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Одил Ёқубов билан телефонда боғландим. Биз учрашдик. Тайёрагоҳнинг ўзида шошилинч кенгаш ўтказдик.

Вазият кундай равшан эди: икки қардош халқ бир-бирининг ёқасига ёпишиб туришарди. Қарама-қаршиликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Кутилмаганда аланга олиб кетган низони қандай йўсинда тўхтатиб бўлади? Бизни ана шундай муаммолар қийнар эди. Ҳар бир соатда янги хабар етиб келарди, юрак-бағримиз ўртаниб, амалий ҳаракатга шошилар эдик.

«Фарғона водийсидаги ўн минглаб ўзбеклар Ўш томонга боришяпти!»

«Кечаги кундан эътиборан Олой қирғизлари отларига миндилар!»

Шунда мен Ўзбекистондаги ҳар хил жамоат ташкилотларининг раҳбарларига: «Келинглар, оға-инилар, сеники нотўғри, меники тўғри деган мунозарани бас қилайлик. Ростини айтсак, ҳаммамиз айбдормиз. Вазиятни кескинлаштиришдан фойда йўқ», дедим.

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ 70 ЁШДА**

Барча менинг фикримни бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Тез орада менинг келганимдан хабар топган Ислом Каримов аэропортга етиб келди. Ҳар доимгидек муайян бир масалага бутун диққат-эътиборини жамлаган, ҳаракатчан, ғайратли эди. Яккама-якка чин дилдан гаплашдик. Мен унга: «Ўшга кирмоқчи бўлаётган ўзбекларни тўхтатинг, — деб илтимос қилдим. — Агар икки оломон бир-бири билан тўқнашиб кетса, кейин уларни тўхтатиш ҳам, тинчитиш ҳам қийин бўлади. Жуда катта хунрезлик рўй бериши ҳеч гап эмас. Биз ҳам Ўш вилоятини тинчитиш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз».

Каримов билан гапимиз бир жойдан чиқди. У менинг фикр-мулоҳазаларимни батамом қўллаб-қувватлади ва самолёт зинапоясига қадар кузатиб қўйди.

Ўш вилоятига бориб, шарт-шароитлар билан танишганимдан сўнг, мен республика телевидениеси орқали Ўзбекистон халқига мурожаат қилдим. Бу ҳодиса нимадан бошланганини, агар низо кучайиб бораверадиган бўлса, охири жуда ёмон бўлиши тўғрисида дилимда бор гапларимни очиқ-ойдин айтдим. Ўша пайтда менинг ёнимда Одил Ёқубов билан Пиримқул Қодиров ҳам ўтирган эдилар. Улар ҳам менинг фикрларимни қувватлашиб, бутун ўзбек халқини босиқликка чақирдилар.

Қадимдан қон-қардош бўлган икки халқ ўртасида пайдо бўлган нифоқни бартараф этиш борасида ўшанда Ислом Каримов улкан давлат арбобига муносиб бўлган ақл-идрок, донолик намунасини кўрсатди.

Қозоғистоннинг ПЕН-клуби навбатдаги мажлисларидан бирини Кустанойда ўтказди. ПЕН-клуб президенти Абдужамил Нурпеисовнинг таклифига кўра, мен ҳам ўша мажлисда қатнашдим. Ўзим яқинда Франкфуртдан қайтгандим. Хуллас, уйга қайтаётиб, йўл-йўлакай Тошкентга ҳам тушиб ўтдим. Оқшом чоғи Ислом Каримов каминани йўқлаб келди. Биз Марказий Осиё маданиятининг ҳозирги аҳволи тўғрисида жуда узоқ суҳбатлашдик.

Илгари мен бу кишини фақат хўжалик ишларининг миридан-сиригача яхши биладиган тажрибали сиёсатчи сифатида билардим. Ўша оқшомдаги суҳбатдан сўнг амин бўлдимки, бу зот ўз халқининг, ўз давлатининг тарихини теран биладиган, маданият ва санъатнинг турли тармоқлари бўйича чуқур тасаввурга эга бўлган том маънодаги давлат арбоби экан. Айнан ўша учрашувимизнинг самараси ўлароқ Марказий Осиё халқларининг Ассамблеясини тузиш ва йирик анжуман ўтказиш ғояси дунёга келди.

Эндигина мустақилликка эришган мамлакатларнинг президентлари ҳозирги ўтиш даврида ҳар томонлама синовдан ўтаётирлар. Жамият фақат икки ҳолатда мана шундай мушкулотга дуч келиши мумкин: биринчиси — уруш пайтида, иккинчиси — жуда чуқур ижтимоий ўзгаришлар пайтида.

Мен Қирғизистоннинг турли бурчакларидан кўплаб мактублар олиб тураман. Халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетди, экологик ҳалокат, инсоний фазилатлар путурдан кетяпти — ҳаммасини санаб адоғига етиб бўлмайди. Булар ҳеч тугамайдиган мусибатномага ўхшайди. Айниқса, бир мактуб юрагимга қаттиқ ботди.

— Бизнинг Конституциямизга «дуо» ва «қарғиш» тўғрисида қўшимча киритилиши лозим, — деб ёзади ўша мактуб муаллифи. — Ўз халқи учун кўп меҳнати сингган, жамиятни олға силжитган, оғир дамларда бизни ёлғизлатиб қўймаган раҳбарларни дуо қиламиз. Ундай раҳбар ўша дақиқадан эътиборан «Дуо олган инсон» деган фахрий унвонга сазовор бўлсин. Лекин, жамиятни пароканда қилиб юборган, қора ишлар билан машғул бўлган, давлат мулкини талон-тарож қилган, шахсий манфаатини жамият манфаатларидан устун қўйган раҳбар, аксинча, биздан қарғиш олиши керак. У одамлардан ўзини четга тортиб юрсин, бировнинг кўзига тик қарай олмасин, халқнинг тавқи-ланъатига йўлиқсин!

Овулда яшайдиган одамлар барча муаммоларни юракка яқин оладилар.

Қадим замонлардан то XX аср адоғигача ўтган ёки ҳаёт бўлган ҳар тоифадаги ҳукмдорларнинг маънавий бойликка муносабатлари, уларнинг эътиқоди, асил ҳақиқати ва ёлғон ҳақиқати тўғрисида суҳбатлашдик. Агар бизнинг бу суҳбатимиз замондошларимизни, эҳтимол, ҳозирги ва бўлажак президентларни, ҳеч шубҳа йўқ, бир сония ўйлашга ундаса — бас, ўз олдимизга қўйган вазифамизни бажарган бўламиз. Шу боис ушбу суҳбатни турли даврларда яшаб ўтган донишмандларнинг ҳокимият ва маънавият тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан якунлашни истардим.

Пифагор: «Аҳмоқнинг қўлига қилич бериш ҳам, виждонсизнинг ихтиёрига ҳокимиятни топшириб қўйиш ҳам бирдек хавфлидир».

Ш. Монтеське: «Қасамёд бўйича, қонунлар доирасида, муқаддас байроқ остида ҳаракат қилаётган мустабид подшодан ҳам даҳшатлироқ душман бўлмайди».

Д. Дидро: «Зўравонликка асосланган ҳокимият айнан зўравонликнинг қурбони бўлади».

Ж. Лабрюйер: «Фахрли жой муносиб инсонни янада юксалтириб юборади, майда одамни эса баттар бачканалаштириб қўяди».

Сўзимнинг охирида айтмоқчиманки, халқнинг ахлоқий қадриятларидан, маънавий ҳаётидан айрича йўл тутадиган ҳукмдорлардан бизни тақдири азалнинг ўзи асрасин!

***Набижон БОҚИЙ тайёрлади.***

## БИРМИНГЕМДА ҲАМ НИШОНЛАНДИ

Бирмингем шаҳри (Марказий Англия) университетида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги муносабати билан семинар бўлиб ўтди. Унда инглиз ва «Умид» жамғармаси стипендиатлари — ўзбек талабалари Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси хизматчилари иштирок этди.

Иштирокчиларда Ойбек Шаҳавдинов, Равшан Усмонов, Отабек Сулаймоновларнинг «Конституция қонуннинг асоси ва мустаҳкам тизими сифатида», «Конституция — демократия ва ижтимоий адолат манбаи сифатида», «Конституция — мустақиллик рамзи» мавзуидаги маърузалари катта қизиқиш уйғотди. Уларда Ўзбекистон Асосий Қонунининг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий демократик давлат тузишдаги аҳамияти тўғрисида маълумот берилган.

Семинар давомида бўлиб ўтган мунозараларда инглиз талабалари қатнашдилар, Британия Кенгаши вакили Крис Гейтли эса ушбу тадбирнинг Ўзбекистон Конституцияси билан танишишда ва уни тушунишдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

***Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА. Лондон.***

### *Қишлоқ ва ислоҳот*

# «РОВОТ»ЛИКЛАР ДАРОМАДНИ БЕГОНА ҚИЛИШМАЙДИ

Хўжалик раҳбарларининг билгани-билган. Ҳашарчилар ҳар хил бўлади. Айримлари «дам олгани» келишади. Бундайлар ёлчитиб ишлашмайди. Даланинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқади. Ишқилиб, кун ўтса бас! Шундай ҳам бўладики, қийин-қистов бўлавергач, майли, нормани тўлдирсак, тўлдирайлик деб, хом пахталарни ҳам териб, этакни бир амаллаб қаппайтириб топшириш пайидан бўлишади. Демакки, пахтанинг баракасини учиришади...

Лекин жамоа аъзоси бўлган пахтакор ҳеч вақт ўз меҳнатининг маҳсули бўлган пахтанинг топталишига йўл қўймайди.

Бу ерда анъана шунақа: йиғим-терим мавсуми бошлангач, бутун қишлоқ аҳли далага отланади. Хўжалик маъмурияти ваъдага вафо қилади. Сира ҳам ғирромлик қилмасдан, одамларнинг терган пахтасига ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминлайдилар. Бошқа шарт-шароитлар ҳам яратиб берилади. Шунинг учун айни йиғим-терим пайтида бу жамоа хўжалиги даласида 2000-2300 одам пахта теримида қатнашади. Уларнинг ёрдамида йиллик режанинг 3-3,5 фоизи, баъзан эса 4 фоизи миқдорида пахта тайёрлаш мумкин бўлади. Хўжалик ҳар йили 1,5-2 фоиз миқдорида пахта топшираётган пайтларда режани якунлайди. Бу йил эса пахтачиликда бироз қийинчилик бўлганлиги учун бир фоизда якунланди.

Хўжаликнинг теримни ташкил қилишдаги ўз йўли бор. Бунга қатъий амал қилинади. Биринчи терим тугагач, бу далаларга 15-16 кун дам берилади. Ҳеч ким қўйилмайди. Бу муддат давомида қолган кўсаклар очилади, пахта семиради. Ана шундан сўнг далага одам киради. Бу тадбир босқичма-босқич амалга оширилганлиги учун теримчиларнинг ҳамма вақт тўхтовсиз ишлашлари учун имконият бўлади.

Яна бир тажриба. Ғўза барги тўкилгандан сўнг культиваторларнинг қисмлари кенгайтирилиброқ олинади, натижада ғўза илдизлари ён томондан бироз қирқиб кетилади. Бу кўсакларнинг тезроқ лўппи бўлиб очилишига ёрдамлашади. Ҳосилга барака киради. Культивация билан бир йўла пахта қатор ораларига ғалла уруғи сепиб кетилади. Униб олса бўлгани. У ёғига тез тутиб кетади. Шу асно-да пахта эгатларига сепилган буғдойдан ҳам яхши ҳосил олинади. Дарвоқе, бу йил хўжаликда 270 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Ҳар бир оилага 300 килограммдан ғалла тарқатилди. 500 гектар майдонга экилган пахтадан 26 центнердан пахта топширилиб, бу йил ҳам хўжалик биринчилар қаторидан ўрин олди.

Зиммамиздаги масъулият айни кунларда ҳам «Ровот» жамоа хўжалиги деҳқонларини кузги-қишки ишларни сифатли ўтказишга ундаяпти. Улар бу соҳадаги тадбиркорни Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқдалар...

Биродар, сирасини айтадиган бўлсак, шу пахта орқасидан тирикчилигимиз ўтяпти, бола-чақа боқяпмиз, орзу-ҳавас қиляпмиз...

Бунақа умумий тарздаги гапларни кўп эшитганмиз, ёзганмиз. Лекин Бўка туманидаги «Ровот» жамоа хўжалиги аъзоси Жамила опа Вафоева бизга бу гапларнинг ижросини, амалийсини ҳикоя қилиб берди.

— Ёшим эликка бориб қолди, — дейди опа, — оилада жон бошимиз айтарлик кўп эмас. Турмуш ўртоғим Саттор акамлар сувчи бўлиб ишлайдилар. Ўғлим Жуманазар 10-синфда таҳсил оляпти. Бўйига етган қизим Камола бор. Шу денг эрта куздан бошлаб совчилар келавериб, жон ҳолимизга қўйишмади. Тенги чиқса текинга бер, деган гап бор. Икки ёш бир-бирини ёқтириб қолди, унаштирдик. Бошқа оналар каби мен ҳам озми-кўпми сеп йиғиб қўйган эдим. Саттор акамлар билан маслаҳатлашиб, қизимнинг тўйини кўнгли ўксимайдиган қилиб ўтказиш ҳақида фикрлашдик. Армон қилиб юрмасин-да.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлаяпман, — дедилар Саттор акамлар. — Топган-тутганимиз йўқ эмас, бироқ, қўлимиз барибир калталик қилиб қолмаса, деб қўрқаман.

— Буёғидан кўнгил тўқ бўлсин, — дедим мен.

— Бу нима деганинг, яшириб қўйган хазинанг борми?

— Бўлмасам-чи. Ўзингиз сув қўйган пахта далаларига синчиклаб назар солдингизми бу яқин ўртада? Пахталар чунонам очилибдики, ҳавасингиз келади. Хазина олдимизда. Оилавий бўлиб астойдил пахта терайлик, ҳақини нақд беришади-ку!

— Оббо сен-ей, — дедилар Саттор акам, — жуда гапни айлантирасан-да, бўпти, шундай қилганимиз бўлсин...

Жамила опа Вафоевалар бошлиқ оилавий зарбдор теримчиларнинг довруғи тез орада қишлоққа ёйилди.

Бригада бошлиғи Ғайрат Бойкўзиев дейди:

— Биз Жамила опанинг тиришқоқлиги, шижоатига қойилмиз, тан берамиз. Ўша йиғим-терим бошланган биринчи кунданоқ ҳаммадан олдин далага келардилар. Қош қорайгунча пахтазордан чиқмасдилар. Баъзан, бўлди опажон, озроқ дамингизни ҳам олинг деган бўлардик.

Жамила опанинг бир кунлик терган пахтаси баъзан 250-300 килога етарди.

Бир куни ҳазиллашдим:

— Тўй қачон, опа? Қуда томон тезроқ ўтказиб олайлик деяётгандай бўлувди.

— Шунақа, — деди Жамила опа, — лекин мен уларга жиндай сабр қилиб туринглар. Тўй бир кунда ўтади, кетади. Ундан кейин ҳовли-жойларни тартибга келтириш деган гаплар бор. Бунинг ҳам ўзи бўлмайди. Шунинг учун биринчи теримнинг тугашини кутайлик. Иккинчи терим бошлангунча бироз нафас ростлаймиз. Ана шу орада тўйни ўтказсак, яхши бўлади, дедим. Уларга ҳам менинг бу таклифим маъқул бўлди...

Шундай қилиб, терим ҳам якунланди. Ҳисоблаб чиқишса, Жамила опа Вафоевалар оиласи терган пахта 10 тоннадан ошиб кетибди. 60 мингга яқин пул ишлашибди. Бу пул кам-кўстга яради. Энг муҳими, улар тўй қиламан деб қарздор бўлиб қолишмади.

Қишлоқда Жамила опа сингари чевар теримчилар кўп эди. Робия Қурбонова, Юлдуз Турсунова, Ҳамида Шодмонова, Муяссар Ғоиповаларнинг ҳам оиласи 6-7 тоннадан пахта териб, катта даромад олишди ва уни кор-ҳайрларига яратдилар.

— Билишимча, ҳар йили сизлар пахта режасини ҳашарчиларсиз бажарар экансизлар...

— Тўғри, — дейди раис Рустам Тиляпов, — терим мавсуми деҳқонларнинг пул ишлаб олишлари учун катта имконият-ку! Шунинг учун пулни четга чиқармаймиз.

...Баъзан у ёки бу раҳбарларнинг хонасига кириб қолсангиз, дафъатан «ишлашни хоҳлаган одам имконият қидиради, хоҳламаган баҳона» деган шиорни чиройли қилиб ёзиб қўйишганига кўзингиз тушади. Лекин камдан-кам ҳолларда бунга амал қиладилар. Бу хўжаликда эса имконият нима ўзи, ундан қандай қилиб самаралироқ фойдаланиш мумкин, деб ҳамиша жон куйдириб меҳнат қилаётган фидойи одамларни кўрдик.

***Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

### *Ҳамкорлик робиталари*

# ТУРИ 25ТАГА ЕТДИ

ТЎЙТЕПАДАГИ жаҳон бозорига сифатли пайпоқлар етказиб бераётган «АНА-текстиль» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш қувватлари муттасил ортиб бормоқда. Энг илғор технологияга асосланган корхонада амалдаги йилнинг ўтган тўққиз ойида 400 минг жуфт ҳар хил турдаги пайпоқлар тайёрланди. Жамоа ноябрь ва декабрь ойларида ками билан яна 300 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

— Жанубий Кореядан қўшимча ускуналар келтириб ўрнатилганлиги сабабли корхонамиз қуввати бир неча баробар ошди, — дейди унинг директори В. Пак.

Сўнгги икки ой давомида бу ерда янги келтирилган жиҳозларни ўрнатиш, ишга тушириш жараёнлари олиб борилди. Шу тариқа мавжуд тўқув дастгоҳлари сони 36тадан 88тага етказилди. Жанубий Кореядан катта ҳажмда хом ашё олиб келинди. Бу эса ноябрь ойидан корхонани тўла қувват билан ишлаш имкониятини яратди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши сабабли бўяш ва ўраб жойлаш цехлари ҳам кенгайтирила бошланди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ўта сифатли ва айни пайтда асосан пахта хом ашёсидан тайёрланган, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган пайпоқларга ўзимизда ҳам, хорижда ҳам талаб катта. Жумладан, олмониялик тадбиркорлар ҳам бу қўшма корхонадан ойига 100 минг жуфт пайпоқ сотиб олиш истагини билдирдилар.

***Маъмур БОЗОР АЛИ.***

